
ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ЎРГАНИЛДИ.

Ижтимоий тармоқлар орқали Гулабод маҳалла фуқаролар йиғини Ал-Фарғоний кўчасидаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан табиий газ йўқлиги юзасидан қилган мурожаатлари уман ҳокимлиги ҳамда масъуллар томонидан ўрганиб чиқилди.

Мавжуд муаммони жойида ўрганиш мақсадида ушбу кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар билан суҳбатлашиб масала юзасидан “Hududgaz Farg’ona” газ таъминоти филиали тасарруфидаги “Quvatumangaz” газ таъминоти бўлими масъул ходимлари томонидан ўрганилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 10 июндаги “Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2015-2016 йиллар куз-қиш даврига комплекс тайёрлашни таъминлаш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-2367-сонли қарори, Фарғона вилояти ҳокимининг 2015 йил 13 июндаги 182-сонли, Қува тумани ҳокимининг 2017 йилдаги 25-июлдаги Режа-графи, ижросини таъминлаш мақсадида табиий газ таъминоти қониқарсиз булган аҳоли яшаш ҳудудларда жойлашган аҳоли хонадонлари белгиланган тартибга асосан суюлтирилган газга мослаштирилганлиги ҳамда ҳозирги кунда Қува туманидаги суюлтирилган газга мослаштирилган аҳоли хонадонлари Бўлим томонидан шартнома асосида маиший газ баллон билан таъминланган бўлиб, туман ҳокимининг режа-графи асосида имтиёзли нархларда суюлтирилган газ билан таъминланиб келаётганлиги тушунтирилди.

Фурсатдан фойдаланиб Қува туман фуқароларини суюлтирилган газ билан таъминлашга оид мурожаатларни “Quvatumangaz” газ таъминоти бўлимининг “Call-марказ”ига (73) 315-03-93 телефон рақами ёки авария диспетчерлик хизматининг 104 рақамига қўнғироқ қилиб боғланишларини сўраб қоламиз.

Қува туман ҳокимлиги

Ахборот хизмати

2020-11-20 19:17:11